

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАФЕДРА: ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ, ПЕДАГОГИКА ВА
ПСИХОЛОГИЯ**

**Касбий таълим йўналиши бўйича 7- курс талабаси
Акрамова Истора Акрамовнанинг**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: Ўрта махсус таълим муассасаларида илғор педагогик
тажрибалар ва уларни оммалаштириш масалалари**

Илмий раҳбар: п.ф.н. АҲМЕДОВА Г.М

Тошкент- 2010

7 курс 753 Б гуруҳ талабаси Акромова Историанинг

Битирув Малакавий Ишни Аннотацияси

Мавзу. Ўрта махсус таълим муассасаларида илғор педагогик тажрибалар ва уларни оммалаштириш масалалари

Ишнинг долзарблиги. Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бундай ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат юксак малака ва педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билангина амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаш лозим. Олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш ҳамда янгилаш; педагог кадрлар тайёрлаш; ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш.

Ишнинг мақсади. Таълим муассасаларида илғор педагогик тажриба тўплаш ва уларни оммалаштириш муаммоларини ўрганишдан иборат.

Вазифалари. Замонавий педагоглар олдига қўйилаётган вазифалар мазмунини тавсифлаш, ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширишида илғор педагогик тажриба тўплашнинг аҳамиятини ифодалаш, илғор тажрибаларни ўрганишда дидактика назариясининг аҳамиятини белгилашдан иборат.

Ишнинг мазмуни. Битирув иши кириш, 3 асосий боблар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати: ҳаммаси бўлиб 37-саҳифалик иш, 15 та слайддан иборат. Ишнинг 1-бобида педагогик жараёндаги оғир муаммолар, дарс жараёнларидаги кутилмаган ҳолатлар, энди ўрганаётган ўқитувчининг фаолияти ҳам, ўз фанининг моҳир устаси бўлган ўқитувчига *тажрибасини* тинимсиз ошириб боришига имкон яратиши ҳақида, 2-бобда тажрибали педагоглар доимо ўзларида ниманидир, қандайдир қобилиятни намоён қилаётган ёки ривожлантираётган бўлиши, педагогик маҳоратга эришишда педагогик тажриба тўплашнинг аҳамияти, 3-бобда Дидактика таълим назариясининг ўқитувчининг тажриба тўплашидаги ролига эътибор берилади.

Ишнинг хулосаси. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида таъкидлаб ўтганидек, «Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламаса, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларига илмий сафарларга бориб келмаса, тажриба алмаштирилмаса, албатта бундай аҳвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир кўрсатади».

Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи замонавий педагогик технологиялар, таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фанлар бўйича сифатли билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилишни таъминловчи педагогик усулларни қўллай олиши лозим. У замонавий педагогик технологияларнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, улар ҳақида илмий асосланган маълумотлар, амалий йўлланмалар ишлаб чиқиши, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштирганидан сўнг, уни таълим тизимига жорий эта олиши керак.

Илмий раҳбар:

п.ф.н. Г.М.Аҳмедова